Ушбу сонда:
2 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР
3 БОЛА КУЛГАН ЮРТДА БАХТ КУЛАДИ
4 Оролбўйидан мактублар ЮЛДУЗЛАР ПОРЛАГАН ОСМОНИМ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 1 июн, чоршанба № 87 (1928)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЮК ТАШУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

***Ўзбекистон халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси Тошкент, Чуст ва Нукус шаҳарларида ўз ваколатхонасини очди.***

- Мақсад вилоятлардаги хусусий ҳайдовчиларни халқаро юк ташишга янада кенгроқ жалб этиш, уларга дунё андозалари даражасида хизмат кўрсатиш, билим ва малакасини оширишдан иборат, - деди мазкур уюшма раҳбари Қаҳрамон Сиддиқназаров ЎзА мухбирига. - Мамлакатимиздаги йигирмага яқин автокорхонанинг салкам етти юз нафар ҳайдовчисини ўзида бирлаштирган ташкилотимиз Халқаро автомобиль транспорти иттифоқининг аъзосидир.

Уюшма келгусида халқаро юк ташувчиларни бирлаштириб, ички ва ташқи юк ташиш нархини сезиларли даражада камайтириш, хорижий мамлакатлар чегараларида божхона ҳужжатларини расмийлаштиришни соддалаштириш ва текширув операциялари вақтини қисқартиришда қўлланиладиган «TIR-КАРНЕТ» тизимидан янада кенгроқ фойдаланишни мўлжалламоқда.

## «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ»

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу номдаги янги китоби нашрдан чиқди

***Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 май куни Оқсарой қароргоҳида, 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ва мухбирларнинг саволларига жавоблари ўрин олган.***







Нашрда Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюси ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

«Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» -китобнинг айнан шундай номланишида теран маъно мужассам. Авваламбор, бу наинки Президентимизнинг, айни чоғда бутун халқимизнинг дилидаги, юрагидаги гап. Андижонда содир этилган нохуш воқеаларга жамоатчилигимиз вакиллари оммавий ахборот воситалари орқали билдираётган фикр-мулоҳазалар буни яққол исботлаётир.

Юртбошимизнинг ушбу китобида баён этилган факт ва далиллар, асосли ҳамда холис мушоҳадалар Андижон воқеалари тўғрисидаги ҳақиқатни юзага чиқариш, турли уйдирмаларга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўпминг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.

**(ЎзА)**



*Бугуннинг одамлари*



## ҲАРОРАТЛИ ПЕЧЛАР ЁНИДА

***Мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиётининг устунларидан бири бўлмиш Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш корхонасининг довруғи эндиликда хорижга ҳам таралган. Бу ерда кўп миллатли кишилар елкама-елка туриб ишлаб, энг зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Ишнинг муваффақияти ҳақида сўрасангиз, мустаҳкам интизом, мавжуд цехларда юқори малакали ишчи-хизматчилар фаолият юритаётгани, рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаётгани каби омилларни кўрсатишади.***

Катта корхонада тежамкорликка эътибор кучайтирилганлиги маблағни тежаш, маҳсулот таннархининг арзонлашишига олиб келмоқда. Ҳар қандай корхонада бўлгани каби «Ўзметкомбинат» ҳам бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятини такомиллаштириб бормоқда. Россия, Германия каби давлатларнинг мутахассислари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганлиги илғор технологияни дадил жорий этишда қўл келди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси ўз атрофига 8500 аъзони бирлаштирган. Жамоа шартномасининг бандлари ойма-ой бажарилмоқда. Хусусан, ишчилар соғлиғини мустаҳкамлаш, маданий-маиший хизматни янги поғонага кўтариш, цехларни реконструкция қилиш, сотиб олинаётган металлом харид нархини ошириш масалаларида қувончли силжишларга эришилди. Ёрдамга муҳтож оилалар қўллаб-қувватланмоқда. Эътиборлиси шуки, кўп миллатли жамоада оила аъзолари билан меҳнат қилаётганлар оз эмас. Сулола анъаналари давом этмоқда.

Марат Валиев бошчилик қилаётган электр ёрдамида пўлат эритиш цехида ишлар намунали ташкил этилган. Жамоанинг ўзига хос иш услуби бор. Ўзаро талабчанлик муҳити чуқур илдиз отган. Ёш ишчилар мураббийларга бириктирилган. Бирон киши интизомни бузса ёки маҳсулот сифатига салбий таъсир ўтказса, ўша захоти кўплашиб



муҳокама қилишади. Ишга бундай муносабат камчиликларни вақтида бартараф этиб, муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда.

«Ўзметкомбинат»да кўпгина аёллар ҳам меҳнат қилишади. Улар ўзларига яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда. Фараз қилинг, электр таъмирлаш цехи электромонтёрлари Зулфия Бердиёрова ва Зумрад Бобоевалар унча-мунча эркак мутахассисга дарс беришаркан. Цех раҳбари Одина Раҳимова эса ўзининг ташаббускорлиги билан танилган. Унинг саъй-ҳаракати билан аёлларни ижтимоий ҳимоялаш масаласида кўпгина янгиликларга қўл урилди.

Ушбу корхонада ишлаш осонмас. Зеро, ҳаммани ҳам қабул қилаверишмайди. Ахир ҳароратли печлар ёнида терга ботиб ишлаш, фақат сифатли маҳсулот тақдим этиш қанчалар мураккаб. Буни иродали, ўз касбига чин ихлос қўйган кишилар уддасидан чиқадилар. Сўнгги йилларда корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ишчилар ошхонасида намунали хизматни ташкил этиш, ёрдамчи хўжаликни ривожлантириб, ходимларга арзон нархда неъматлар тарқатишга эътиборни кучайтирди. Байрамларнинг нишонланиши ҳамманинг ҳавасини келтиради. Меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорларига алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Барчага намуна бўлаётган ишчилар кўпчилик ўртасида шарафланади. Буларнинг ҳаммаси корхонадаги соғлом муҳитни янада мустаҳкамламоқда.

Биз катта уста Эмилия Шернина ва Обида Ортиқова билан суҳбатда бўлдик. Улар хашаматли двигателларни таъмирлашаётган экан. Касабақўм раисининг эътироф этишича, уларнинг ўрни жамоада алоҳида экан. Яъни, двигателларни маромида таъмирлаш сирларини ёшларга қунт билан ўргатишаётир. Бундай инсонлар билан корхона ҳақли равишда фахрланади.

**С.ЮСУПОВ,**
**А.АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**
**Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.**
**М.КАРИМОВ олган суратлар**

*Бир Фармон шарофати*

## ДАЛА ФАЙЗИ

***Тонг саҳарлаб соқинлик бағрида ястаниб ётган дала-даштнинг кўрки, тароватి ўзгача бўлади. Дов-дарахтлар яшилликка бурканиб, деҳқоннинг қалб қўри ила ерга қадалган уруғ ерни ёриб чиқиб, қуёш тафти томон талпинади. Заҳматкаш деҳқон унинг ҳар бир тупини гўдак сингари авайлаб асрайди. Ёмғирда, дўлда қолиб нобуд бўлиши, зарарли ҳашоратлар жажжигина томирлари-ю, кўкка томон бўй чўзаётган ниҳолчаларга зиён етказишидан чўчиб кунларни тунларга улайди.***

Қурбоной Раҳимова ҳам худди ана шундай тиним билмас заҳматкаш аёллардан. Узоқ йиллар мобайнида Шовот туманидаги Гулистон жамоа хўжалиги бошқарувида касаба уюшма фаоли вазифасида хизмат қилиш баробарида деҳқончилик ва пиллачилик машаққатларини бошидан ўтказиб келаётган инсонлардан.

У нафақат туманда, балки вилоят миқёсида бўлиб ўтадиган каттаю-кичик тадбирлардан тортиб, маҳалла-кўй ташвишида елиб-югуради. Уй-рўзғор юмушларидан ортиб гоҳ далада, гоҳида эса пиллакорлар ҳузурида бўлиб мўлжалидаги ишларга ҳар доим вақт топади.

Президентимизнинг 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган Фармонига асосан Гулистон жамоа хўжалиги ўтган йили фермер хўжалигига айлантирилди. Қурбоной опа биринчилардан бўлиб фермерлар сафига қўшилди. Хўжаликдан 45 гектар ер олиб фаолиятини бошлади. Лекин тасарруфидаги ерларга сув олиб келиш қийин кечди. Экилган экинлар бир текис униб чиқишига қарамай, сувсизликдан қовжираб қурий бошлади. Бундан ташвишга тушган опа раҳбариятга чопиб юрмади. Аксинча қийинчиликларни бартараф этиб, муаммоларни ҳал қилиш чораларини излади.

Жорий йилга келиб ўтган йилдаги ғам-ташвишлар бироз барҳам топгандек бўлди. Ерга қадалган уруғ бир текисда униб чиқиб, оби-ҳаётга қониб ўсаётир. Шу боис опанинг кўнгли хотиржам.

Ҳозирда жойларда ипак қурти боқиш қизғин паллага кирган. Хўжалик томонидан давлатга пилла топшириш режасининг ортиғи билан бажарилишида албатта Қурбоной опанинг хизматлари катта. Айни пайтда у пиллакорлар олдида турган. асосий вазифалардан бири ипак қуртини соғлом ўстириш борасидаги баъзи муаммоларни ҳал этишда хизматини аямаяпти.

— Ҳалол хизматларим эвазига халқимиз орасида обрў-эътибор топдим, шу боис бугунги ҳаётимдан жуда мамнунман, оилам тинч, дастурхонимиз тўкин, қисқаси меҳнат менга бахт келтирди, - дейди Қурбоной опа Рахимова.

— Барча юмушларни бажаришга вақт топар экансиз, дам олиб ҳордиқ чиқариш тўғрисида ҳам ўйлаганмисиз, деган саволимизга "Мен ҳар куни дам оламан, кўнгилдагидай ҳордиқ чиқараман. Тўғри, шаҳар кезиб, санаторийларга бормасамда, даларим бағрида, ҳосилга тўлиқ экинларни кўрганимда, албатта роҳатланаман. Даладан уйга қайтгач, эса қўни-қўшнилар, оилам ва фарзандларимнинг меҳри, ғамхўрликлари менга куч-қувват бағишлайди. Қийналган инсонларнинг дардига шерик бўлиб, кўнглига таскин бериш орқали ҳаётга, келажакка умид уйғотиш ҳам миллатимиз ва қадриятларимизни улуғловчи хусусиятлардан бири эканлигини яхши биламан.

Опанинг гапларида жон бор. Асл деҳқон фарзанди ҳар доим дала-дашт соғинчи билан яшайди. Унинг бепоён кенгликларида ўзини эмин-эркин ҳис қилади. Ҳар фаслда бир тусга кириб, ўзгача тароват бахш этиб, дастурхонимиз тўкинлигини таъминловчи, саховатда тенги йўқ қир-адирлару боғлар бағридагина деҳқоннинг кўнгли ором олади, таскин топади.

Қурбоной опага деҳқончилик ота мерос. Дастлаб деҳқончиликка унинг қалбида ёшлигидан, оила муҳитида меҳр уйғонган бўлса, ўзга бир хонадонга келин бўлиб келгач, қайнотаси Раҳим ака Матюсуповнинг сайъ-ҳаракатлари, ўгитлари боис у ҳақиқий деҳқон қизига айланди. Раҳим ака ўзининг кўп йиллик беминнат хизматлари билан кишилар дилидан жой олган инсонлардан эди. Маҳалла оқсоқоли, тўй-маъракаларнинг ташкилотчиси, қолаверса, собиқ Гулистон жамоа хўжалигининг 3-бўлим бригадири сифатида умрининг охирги кунларигача, меҳнат қилган отахон, ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача маҳалла аҳли ардоғида бўлди. Ҳалигача Раҳим ака тўғрисида гап кетганда, фақат илиқ гаплар айтилади. Шубҳасиз ҳалол меҳнатлари эвазига давлатимизнинг қатор нишонларию унвонларига сазовор бўлган бу инсоннинг умр йўли бугунги ёшларимиз учун ҳаёт мактабидир.

Қурбоной опа айни пайтда қайнотаси бошлаб берган ишларни давом эттириб, у экиб кетган турли-туман мевали дарахтлар экилган боғларни парваришлаш билан биргаликда маҳалла аҳли осойишталиги, аҳиллиги ва тотувлиги каби ишларни ҳам давом эттириб келмоқда.

**Р.САЙДАҲМЕДОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

## ОГОҲЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, БУНЁДКОРЛИК

### андижонликларнинг шиори шундай

***Қорасув шаҳри узра оқшом қўнмоқда. Одамлар самарали меҳнатдан сўнг қадрдон гўшаларида ором олишарди. Кутилмаганда эшик тақиллади. Камолдин ака елкасига тўнини ташлаб, ташқарига чиқди. Остонада қизалоқ ташвишланган ҳолатда турарди.***

– Бобом касал бўлиб қолдилар, ёрдам берарkансиз, - у шундай деганча шифокорга илтижоли боқди.

Камолдин ака Мирзо Улуғбек маҳалласида истиқомат қилувчи Сиддиқохун отани яхши танирди. Баобрў, моҳир ташкилотчи бу инсон кўпгина хайрли ишларга бош-қош бўлган. Шифокор қадамини тезлатди. У тегишли хонадонга киргач, беморни синчиклаб кўздан кечирди. Ҳолатини аниқлаб, қўшни хонадонга чиқиб «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Зудлик билан операция қилиш лозим эди.

Бемор касалхонага жойлаштирилди. Шифокорларнинг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракати, малакаси ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари мавжудлиги туфайли ташвишли ҳол бартараф этилди.

Ҳа, Қорасув шаҳри аҳолиси бугунги кунда бир-бирига ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшамоқда. Камолдин Абдумаматов сингари жонкуярлар кўпнинг корига ярашмоқда. Таъкидлашларича, умрдоши акушер-гинеколог Мунисхон Собирова лозим бўлганда туғруқхоналарга ташриф буюриб, бой тажрибасини ёшлар билан ўртоқлашаркан. Катта оила аъзолари баъзида дори-дармондан ёрдамталаб оилаларга кўмаклашишмоқда.

Ёшули шаҳар «Нуроний» жамғармасининг саркори ҳамдир. 270 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг ҳамиша ҳолидан хабар олади, яшаш шароити, орзу-истаклари билан яқиндан танишади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси яхши бўлиши учун жонбозлик кўрсатади. Қариялар нафақаларини ўз вақтида олишмоқда. «Оталар чойхонаси»да кўпни қизиқтирган масалалар юзасидан савол-жавоб кечалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан учрашувлар ўтказиб турилибди. «Огоҳлик» мавзуидаги тадбирларнинг самараси сезиларли бўлмоқда. Мадаминжон Ҳасанов, Соибжон Абдуллаев, истефодаги полковник Эркин Юсупов, Сотиболди Болтабоевлардан иборат оқсоқоллар ташвиқот гуруҳи одамлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

– Биз, андижонликлар меҳнатсевар, етти пуштимиз деҳқон, бунёдкор, ҳунарманд ўтган одамлармиз. Буни йиллар мобайнида ҳалол меҳнат билан исботлаб келаяпмиз, - дейди Камолдин Абдумаматов. – Бироқ, вилоятимизда содир этилган нохуш воқеалардан бағоят хижолатдамиз. Дилимдаги гап шуки, ўзбекчиликда андиша деган нарса бор. Бироқ, у маромида бўлгани маъқул. Андиша деб ёмонни яширсак, кимлардир қинғир ишга қўл ураётганини ёки қадам олиши ўзгариб қолганлигини кўра била туриб индамай кетаверсак, бу охир-оқибат қимматга тушишига яна бир бор иқрор бўлдик. Гулдек ҳаётимизга рахна солмоқчи бўлганларга, ўзимиздан чиққан сотқинларга қарши муросасиз курашмоғимиз даркор. 13 майдаги воқеалардан тегишли хулоса чиқардик. Эндиликда барчамиз бир тану бир жон бўлиб, ўз уйимиз, маҳалламиз, она юртимиз тинчлик-хотиржамлиги учун қўлимиздан келган барча ишни қилмоқдамиз. Шу кунларда жонажон шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «ЛОЧИН» ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

***Қашқадарё вилоятидаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида бу йил 23 минг нафар бола дам олади.***

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида замонавий услубда тубдан қайта қурилган «Лочин» болалар оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

Шаҳрисабзнинг сўлим Мироқи қўрғонида жойлашган ушбу оромгоҳ икки йил илгари қаровсиз аҳволга тушиб қолганди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси уни ўз оталиғига олгач, «Шўртан газ-кимё» мажмуи жамоаси бу ерда янги ва замонавий бинолар, дизайни жиҳатидан бетакрор павильонлар бунёд этди. Чўмилиш ҳавзалари, ҳашаматли амфитеатр, «Эртаклар шаҳарчаси» болаларни сеҳрли саргузаштлар сари етаклайди.

- Болаларимизни жисмонан соғлом, руҳан тетик ҳамда юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз, - дейди «Шўртан газ-кимё» мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси Шуҳрат Қурбонов. - «Лочин» оромгоҳидаги ҳар бир иншоот бутунлай қайтадан қурилди. Бу ерда Оролбўйида яшаётган болажонлар ҳам дам олади.

- Вилоятдаги 21 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида қўшимча равишда 7 минг 800 нафар болани дам олдириш учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобидан 62,4 миллион сўм, ҳомий ташкилотлар ҳисобидан қарийб юз миллион, ота-оналар ҳисобидан эса 87,36 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган, - дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг раиси Эсон Ражабов. - Барча оромгоҳларимиздаги ётоқхоналар, павильонлар, ошхона, сузиш ҳавзалари, спорт майдонлари, тиббиёт, кутубхона, маънавият ва маърифат ҳамда тўгарак хоналари жорий таъмирланиб, мавсумга тайёрлаб қўйилди.

## «THE FINANCIAL EXPRESS»

*Хориж матбуоти саҳифаларида*

***Андижон воқеалари ҳамон ҳинд оммавий ахборот воситаларининг ҳам диққат марказида турибди. Бунинг асосий сабабларидан бири терроризм, экстремизм, қўпорувчилик сингари балоларнинг нима эканини ҳинд халқи яхши билади.***

Ўз саҳифалари ёки эфир вақтини «норасмий, бироқ ишончли» манбаалардан олинган «қайноқ» хабарлар билан тўлдиришга иштиёқманд газета ёки телеканаллардан фарқли ўлароқ ҳинд оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзу босиқлик билан ёритилиши баробарида масалага холислик билан, аниқ далил ва рақамларга суянган ҳолда ёндошилаётганини кузатиш мумкин. Мамлакатдаги етакчи кундалик нашрлардан ҳисобланадиган «The Hindu», «The Asian Age» каби йирик газеталар, «NDTV», «ZEE NEWS» сингари телеканаллар Андижон воқеаларини Ғарб манбааларидан эмас, балки Ўзбекистон расмийлари томонидан тарқатилган хабарлар асосида ёритди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, кўплаб ҳинд оммавий ахборот воситалари Андижон воқеаларининг содир этилиши ортида турган асл сабабларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Улар ўз муштарийларига холис ахборотни етказа туриб, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари мавзусига ҳам тез-тез мурожаат этишмоқда.

Мисол тариқасида биргина «The Financial Express» газетасида эълон қилинган «Марказий Осиёлик мусулмон бўлишнинг моҳияти нимада...» («What it means to be a Central Asian Muslim...») сарлавҳали мақолани олайлик. Муаллиф уни минтақамиз аҳолисининг Ҳиндистонга, ҳинд халқига бўлган тарихан дўстона муносабатлари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан бошлайди: «Агар сизнинг Ҳиндистондан эканингизни билиб қолишса, бу уларни жуда хурсанд қилади. Маҳаллий аҳоли сизни самимият билан ўз уйига, турли хил миллий таом ва ширин-шакар мевалар билан безалган дастурхонига таклиф этади. Ҳиндистон ҳақида кўп сўрашади».

Мақолада мустақиллик йилларида аҳолининг диний эътиқоди учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилиши билан бирга Андижон воқеалари ортида бир гуруҳ экстремистларнинг кирдикорлари ётгани ҳақидаги фикрлар илгари сурилади. Муаллиф мамлакатимизда барча диний эркинликлар мавжуд эканлигига алоҳида урғу беради. Шунингдек, у жаҳон тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз - «ал-Фаробий, Ибн-Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, Имом Бухорий сингари буюк алломаларимиз номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

**«Жаҳон» АА**

# БОЛА КУЛГАН ЮРТДА БАХТ КУЛАДИ

***Донишманд бир зотдан сўрашибди:***
***— Дунёда энг самимий, беғубор инсон ким?***
***— Бола, - деб жавоб берибди аллома.***
***— Унда, энг гўзал нарса нима?***
***— Гўдак табассуми.***
***— Инсон ҳаётининг мазмуни нимада?***
***— Болаликдаги тарбияда.***
***— Энг катта бойлик нимада?***
***— Фарзандлар камолида.***

Дарҳақиқат, бола қалби энг покиза туйғулар ватани, оламни ёғдуга тўлдирадиган самимият ошёни. Болалар инсоният чаманзорининг гулу ғунчалари. Уларнинг шодон кулгулари билан дунё обод. Шу боис бола кулган юртда бахт кулади, болалари соғлом юрт эса қудратли бўлади, фарзандлари билимли миллатнинг номи эзгуликка туташиб кетади.

Ҳаётда эса ҳар бир инсоннинг мўътабар орзуси, умр бўйи астойдил интилган мақсади соғлом, баркамол фарзанд тарбиялаб, элга қўшишдир. Ана шу эзгу мақсад мустақиллик туфайли она Ўзбекистонимизда энг устувор вазифа қилиб белгиланди. Энг муҳими, соғлом авлодни камолга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Баркамол авлодни тарбиялашдек залворли юмушини сидқидилдан адо этган мўътабар шахсларни тақдирлаш учун мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» деб номланган биринчи орден таъсис этилди. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси тузилди.

Ҳа, буюк давлатни соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади. Соғлом авлод эса аввало жисмонан бақувват, қолаверса, баркамол, соғлом фикрли, энг муҳими, маънавияти юксак, билимдон, ватанпарвар бўлиши талаб этилади. Донишманд ота-боболаримиз ҳам авлодлар соғлиги, етти пуштининг тозалиги, насл-насабининг нечоғли етуклигига эътибор қаратганлар. Ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом фарзандни вояга етказиш, улар камолини ўйлаб яхши ният билан тўйлар қилиш, уй қуриш, дарахт ўтқазиш халқимиз учун азалий анъана ва қадриятга айланиб кетган. Бир сўз билан айтганда, фарзанд келажаги, бахту саодати миллатдошларимиз умрининг мазмуни, орзу-ҳаваслари сарчашмаси ҳисобланади. Шу боис ўғлини уйлантирадиган, қизини куёвга узатаётган ота-она бўлажак қудаларнинг етти аждодини сўраб, билишган. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг шахсан ўзлари салтанат юмушларига қарамай, ўғиллари, набираларини уйлантириш ниятида келин бўлажакнинг насл-насабини суриштирган эканлар. Оилани салтанат келажаги деб ҳисоблаб, уни давлат иши билан тенг кўрганлар. Соҳибқироннинг оила муқаддаслиги ҳақидаги сиёсатини Клавихо шундай таърифлайди:

"Темур атрофидаги ёлғиз кишиларни ўзи бош бўлиб уйлантириб қўяр ва уларнинг турмуши изга тушиб кетиши учун шароит ҳозирлар эди. Никоҳ, оила масаласига бош қўшиш масъулиятини ҳис этиб, ўз ақлу фаросати, дидига ишонган ҳолда Амир Темур бу нозик ишга аралашарди.»

Қолаверса, болалигиданоқ улуғ ишларга масъуллик нуқтаи назарида улғайган Амир Темур ўғиллари ва набиралари тарбиясини ҳар лаҳзада назорат қилиб турган. Энг аввало, уларнинг жасур, мард ва ҳалол, машаққатларга чидамли, шу билан бирга илм-маърифатли бўлиб улғайишларига эътибор берган. Маърифатпарвар Фитрат эса оиланинг муқаддаслиги ҳақида сўзлаб: "Уйланмоқнинг биринчи мақсади фарзанддир. Авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизматидир. Қачонки, биз яхши ахлоқ эгаси бўлган фарзандларни тарбияласак, шундагина бўйнимиздаги бу хизмат мажбурияти соқит бўлади. Кимки, бадахлоқ болани тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади", деб ёзади. Аллома зот ота-онанинг биринчи вазифаси жамиятга нафи тегадиган фарзандни тарбиялашдир, деган ғояни илгари суради ва оиланинг келажаги, қолаверса, миллатнинг, халқнинг истиқболи фарзандларнинг ўз ота-онасидан олган тарбияларига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди.



Ҳаёт абадийлиги эса биринчи навбатда саломатликка боғлиқ. Тарих сабоқларидан маълумки, соғлом фикр, соғлом куч ҳамма замонларда ҳам қудрат тимсоли бўлиб келган. Негаки, фақат соғлом авлодгина ҳаётни, турмушни файзли эта олади, жамиятга руҳий уйғоқлик бахш этади. Шунингдек, инсонни саодатга элтувчи омиллардан яна бири соғлом фикр бўлса, иккинчиси комил тарбиядир. Бу эса болани ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялашга асосланади. Шарқ табобати билимдони Абу Али ибн Сино эса гўдак тарбияси ҳақида шундай лутф қилади:

***Онасининг қорнидаёқ***
***гўдакни қил эҳтиёт,***
***Унга бирор офат етмай,***
***туғилсин у барҳаёт.***
***Она қони тоза бўлсин,***
***овқатига бўл сергак,***
***Токим, ўшал тоза қондан***
***озуқа олсин гўдак.***

Бола саломатлиги, аввало онага боғлиқдир. Соғлом бола соғлом онадан дунёга келади.

Доно зотларнинг таъкидлашларича, фарзанд тарбияси она жисмида бола пайдо бўлган кундан бошланиши зарур. Шубҳасиз, онадаги ҳар қандай руҳий ҳолат, кечинмалар мурғак гўдак вужудига салбий таъсирини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида оиладаги соғлом муҳитга боғлиқдир. Эртасини ўйлаган ҳар бир ота-она соғлом насл, соғлом зурриёд қолдиришни ўйлайди. Минг афсуски, мамлакатимизда оила манфаати, соғлом авлод камоли давлат сиёсати даражасига кўтарилганига қарамай, айрим кишилар нафақат ўз соғлиқлари, балки фарзандлари саломатлигига ҳам кўр-кўрона муносабатда бўладилар. Улар билмайдики, қатор-қатор машиналар, данғиллама иморатлари бор одам бой эмас балки оиласи тинч, соғлом, одобли, ақлли фарзандлари бор инсон чинакам бойдир...

Ҳақиқатан ҳам бу ёруғ дунёдан инсондан қоладигани фарзанддир.

Ватаннинг нурли келажаги, бахти бўлмиш баркамол авлод илму одоб, меҳнат ва тарбия орқали шаклланади. Мустақиллик йилларида соғлом авлод камоли йўлида тенгсиз эзгу ишлар амалга оширилди. Келажагимиз эгалари бўлмиш болажонларга меҳрибонлик кўрсатиш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсон этиб вояга етказиш, соғлом авлодни камол топтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидан ҳисобланди. "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурларига асосан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Республиканинг энг сўлим оромгоҳларида "Она ва бола" бўлимлари ташкил этилди. Бу йил болалар ёзги оромгоҳларида 250 мингдан зиёд болажонларнинг дам олиши режалаштирилган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпдир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси шу мақсадда икки миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратди. Йўлланмаларнинг 10 фоизи эса қаровчисини йўқотган ва кам таъминланган оила фарзандларига бепул берилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, Оролбўйи минтақаси болаларини соғломлаштиришни ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айни кунда мавжуд оромгоҳлар касаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан қайта таъмирланиб, болажонларнинг севимли масканига айлантирилди.

Соғлом авлод камоли касаба уюшмалари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Халқаро болаларни ҳимоялаш куни муносабати билан Республика касаба уюшмалари Федерацияси ва мавжуд тармоқ Марказий кенгашлари, шунингдек, барча қуйи босқичларда кўнгилочар байрам тадбирлари уюштирилмоқда, болажонларга совға-саломлар инъом этилмоқда.

Айниқса, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Уларга касаба уюшма совға-саломлари топширилади.

**А.ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**



## 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# КЎНГИЛЛАР ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

***Болалик... Бу сўз замирида аввало самимийлик, беғуборлик, ростгўйлик, энг покиза туйғулар, меҳр мужассам. Ахир бола қалбидан пок, унинг нигоҳидан беғуборроқ рангин нур борми дунёда!***

Мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик кўрсатиш амалий чоралари белгиланиб, уларнинг энг яхши, жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи таълим масканларида билим олишлари, соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб улғайишлари, жисмонан ва руҳан камол топишлари учун барча имкониятлар яратилган. Чунки Президентимиз таъкидлаганларидек, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт".

Шайхонтаҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва унинг қошидаги "Оила" маркази ташаббуси билан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирда туман маҳаллаларининг кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалари, мактаб-интернат тарбияланувчиларидан 300 нафар ўғил-қиз қатнашди.

Байрамона безатилган дастурхон, ажойиб куй ва қўшиқлар, кўнгилочар ўйинлар болалар кўнглини завққа тўлдирди. Болажонларнинг ҳар бирига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими томонидан ўқув қуроллари, бадиий адабиётлар, турли-туман ширинликлардан иборат совғалар топширилди. Қизил ярим ой жамияти эса 37-мактаб-интернати тарбияланувчиларига 150 минг сўмлик кийим-кечак ҳадя этди.

"Оила" маркази томонидан уюштирилган яна бир ажойиб тадбир - совринли лотерея ўйини ғоят қизиқарли кечди. Унда ғолиб бўлган болажонлар бир-биридан чиройли юмшоқ ўйинчоқлар, коптоқ, радиола каби ютуқларни қўлга киритдилар.

- Мақсадимиз ўғил-қизларимизнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, кўнгилларини хушнуд этиш, бу орқали ўқишларида янги муваффақиятлар сари руҳлантиришдир, - деди Шайхонтаҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова. - Чунки, ёш авлоднинг баркамол, ҳар томонлама соғлом, Ватанга содиқ, эл-юртга садоқатли инсонлар бўлиб етишишларига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шу боис бугунги тадбирнинг маданий-маърифий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ўғил-қизларимиз моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

— Ёзги таътилда бўш вақтимни бадиий китобларни мутолаа қилишга сарфламоқчи эдим, - деди шодлигини яшира олмай 7-синф ўқувчиси Юлдуз Нурмуҳамедова. — Мана энди ажойиб китобларга эга бўлдим. Ўқув қуролларимнинг ҳам бир қисми тахт бўлди.

Кам таъминланган, ёлғиз оилалар фарзандлари пойтахтимиздаги мафтункор маскан — "Тошкентленд" истироҳат ва дам олиш боғига ҳам ташриф буюрдилар.

Бу ерда улар бир-биридан қизиқарли аттракционлар, от-ўйинию, эртаклар оламига саёҳат қилдилар. Афсонавий Африка ўрмонларида бўлиб, ҳайвонот дунёси билан танишдилар.

- Ушбу тадбир ташкилотчиларидан бўлган "Умр" Республика ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилик марказига маҳалламиз номидан беҳад миннатдорчилик билдирамиз, - дейди "Каттабоғ" маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар қўмитаси раиси Навбаҳор Рихсиева. - Болажонлар учун ҳадя этилган совғалар улар кўнглини тоғдек кўтарди. Зеро, ўғил-қизларга кўрсатилаётган меҳр, эзгу ишлар келажакда албатта ўз мевасини беради.

**М.ЎРМОНБЕКОВА**



# ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ЭЪЗОЗЛАНДИ

Куни кеча пойтахтдаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма Кенгашининг 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрининг барча туман касаба уюшма ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Кенгаш раиси ўринбосари А.Ишонхўжаев кириш сўзи билан очди. Мусобақа иштирокчилари шоҳмот-шашка, стол тенниси ҳамда «Отам, онам ва мен» каби спорт турларида беллашдилар.

Мусобақа сўнгида ғолиблар аниқланиб, уларга қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Фаол иштирок этган касаба уюшма аъзоларининг фарзандларига ва ота-оналарга бепул спорт кийимлари ҳамда ушбу боғнинг барча аттракционларида сайр қилиш учун бепул чипталар берилди.

**Ш. ШАМШИЕВА**

# СОҒЛОМ ФИКР, СОҒЛОМ КУЧ - ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

***Шунга ҳам ҳаш-паш дегунча 20 йил ўтибди. 1985 йили Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ўқув-илмий, даволаш базасида болалар клиникаси ташкил этишга қарор қилиниб, бунинг учун Бўзсувнинг сўлим, баҳаво масканидан 17 гектар ер майдони ажратилган эди.***

Ҳозирги кунга келиб, клиниканинг 10 та корпусида 20 га яқин турли шифо бўлимлари, институтнинг 16 кафедраси жойлашган бўлиб, 300 бемор даволаниши учун шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Шифохонада йилига 20 мингга яқин бемор мурожаат қилади, шундан 50-60 фоизи даволаниш учун ётқизилади. Қолганларга кундузги даволаш марказида муолажа олиш тавсия этилади. Бу ерда институт талабалари таҳсил олиш билан бирга, амалий машғулотларда қатнашиб, муолажа, жарроҳлик ва бошқа бўлимларда ўз билим ва малакаларини ошириб борадилар.

Беморларнинг 80 фоизи вилоятлардан келишади. Улар учун 180 ўринли жарроҳлик, яъни кўз касалликлари, травматология ва ортопедия, нейрохирургия, кардиохирургия, пластик хирургия, нефрология-сунъий буйрак, 120 ўринга эга бўлган умумий терапия ҳамда гўдак болалар бўлимлари фаолият юритмоқда.

Институтнинг 108 нафар педагог-мутахассислари, олий тоифали профессор-ўқитувчилар талабаларга таҳсил бериш билан бир вақтда бемор болаларга аниқ ташхис қўйиш, уларнинг яхши даволанишларида яқиндан кўмак бермоқдалар.

Ходимларнинг 100 нафардан зиёди илмий унвонларга эга мутахассислар эканлигининг ўзиёқ шифохона нуфузи қай даражадалигини англатади.

Клиникада замон билан ҳамнафас бўлишга интилиш кучли. 2003 йилда пластик хирургия-жарроҳлик бўлими очилганини ҳам ана шу изланиш самараси дейиш мумкин. Бу борада Жанубий Кореядаги «Ёнсей» университети тиббиёт бўйича мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Умуман хориж мутахассислари билан узвий алоқалар истиқлол йилларига тўғри келади. Яқинда, АҚШ ва Германия тиббиёт соҳаси билимдонлари билан болалар кўз касалликлари масалаларига оид қўшма конгресс ўтказилди. Кардиохирургия бўйича чет эл мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Институт ва шифохона мутахассис-врачлари АҚШ, Корея, Грузия мамлакатлари, шунингдек, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб, ўз малака ва тажрибаларини ошириб қайтдилар.

Шифохонада ҳозирги кунда ташхис қўйиш ва даволаш бўйича 100 дан зиёд турли медицина аппаратлари мавжуд. Чет эл юрак касалликларини аниқловчи «ЭХО-кардиограф» аппаратининг келтирилиши, шифокорлар ишини анча осонлаштирди.

Бу ерда беморлар учун дорихона, лаборатория, марказлашган қон қуйиш, стерилизация бўлимлари ҳам мунтазам ишлаб турибди.

Сиҳат-саломатлик йили дастурида чет эл мутахассислари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, мутахассисларнинг малака ва тажрибаларини муттасил ошириб бориш, даволашнинг янги-янги усулларини қўллаш сингари қатор тадбирлар ўрин олган.

Эзгулик ҳеч қачон ерда қолмайди. Ўтган йиллар мобайнида ушбу тиббиёт масканида болалар касаллиги олдини олиш, муолажага янгича ёндошиш доимий эътиборимизда бўлди, - дейди бош ҳаким, профессор Т.Аъзамхўжаев. - Қўлигул, самимий, ширинсўз шифокорлару ҳамшираларнинг мўъжизакор қўлларидан шифо топиб, соғ-омон оиласига қайтган минглаб инсонларнинг сидқидилдан айтган миннатдорчилик сўзларини эшитишдан ортиқ бахт бор эканми?

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# БЕПУЛ ЧИПТАЛАР ТАРҚАТИЛДИ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Яккасарой туман ҳокимияти Республика ва шаҳар Соғлом авлод учун таянч маскани ҳамкорлигида байрам тадбири уюштирди. Унда туманда яшовчи болажонларга совға сифатида турли кўнгилочар масканларга бепул чипталар тарқатилди. Ушбу хайрли тадбирга ҳаммаси бўлиб 800 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Бобур номидаги истироҳат боғи, «Ҳайвонот боғи» ва «Туркистон» саройининг ёзги биноси байрам кунлари жажжилар ихтиёрига берилади. Турли гуруҳлар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилади. Бу каби тадбирлар болажонларнинг вақтини мазмунли ўтказиш ва кайфиятини кўтаришга хизмат қилади, албатта.

**Р.СОБИРОВА**

## «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

# Саволларингизга Тошкент Давлат юридик институти магистранти Алишер Саидов жавоб беради

**САВОЛ: Давлат органларининг фуқаролар мол-мулкини бекор қилишга қаратилган қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қандай амалга оширилади?**

**ЖАВОБ**: Мулк ҳуқуқини бекор қилиш асослари ичида мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши ҳам мавжуд.

ФКнинг 206-моддасига асосан давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва унинг кўрган бошқа зарарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда қопланади.

Мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга мулкдор рози бўлмаган тақдирда, бу қарор низо суд томонидан ҳал қилгунича амалга оширилиши мумкин эмас. Низони кўриб чиқиш вақтида мулкдорга етказилган зарарни тўлаш билан боғлиқ барча масалалар ҳам ҳал қилинади.

Лекин фуқаро ёки юридик шахс ўз мол-мулкини олиб қўйилишини ноқонуний деб ҳисобласа бу хусусда судга даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Собиқ мулкдорнинг судга мурожаат этишида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрири асосида ва ФПК талаблари асосида судга мурожаат қилиши мумкин.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаронинг даъво билан мурожаат этишида даъво муддати жорий қилинмайди. Демак фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган.

**САВОЛ: Бола ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида тушунча берсангиз.**

**ЖАВОБ**: Асосий қонунимизнинг 63-моддасида "Оила-жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб ёзилган. Маълумки, оила жамиятнинг муҳим бўғини сифатида болалар тарбиясида катта аҳамият касб этади. Оиладаги ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабат нафақат оила қонунчилиги билан, балки жамиятда муҳим қадрият сифатида шаклланган аҳлоқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган иззат-ҳурмати, муомаласи оиладаги маданиятни ифодалайди. Бундай оиладаги маданият фарзандларнинг яхши тарбия олишларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 19-моддасига мувофиқ эр-хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар деб кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаш ва камолоти учун жавобгар ҳисобланадилар. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва аҳлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатига хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланиб, бахтиёр ёшликни таъминланиши кўзда тутилади.

**САВОЛ: Мулк ҳуқуқи ва уни бекор қилиш тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

**ЖАВОБ**: Мулк ҳуқуқини бекор қилиш масаласига тўхталишдан аввал фикримизча мулк ҳуқуқи ўзи нима? - деган саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқ. Умуман инсоният яшаб турган бу жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади ва айнан ушбу мулк жамиятда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ўрнини белгилаб беради. Тўғри инсонлар жамиятда сиёсий жиҳатдан тенг бўлиши мумкин. Лекин улар ҳеч қачон иқтисодий жиҳатдан тенг бўла олмайдилар. Буни сунъий юзага келтириш эса жамиятни ҳалокатга учратиши табиий.

Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиатдан ўзлаштирилган моддий бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулкий муносабатларсиз, иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз мазмунига эга бўлмайди.

Миллий қонунчилигимиздаги мулк ҳуқуқига берилган таъриф мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан муносабатининг барча ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олади. Шу билан бирга, ушбу таърифда учинчи шахсларнинг мулкдор мулкига муносабатларининг энг муҳим қонуний асоси кафолатланган. Яъни, мулкдорнинг мулк муҳофазалай олиши императив меъёр сифатида мустаҳкамланган. Бу ҳам бўлса, ўз навбатида мулкдор мулк ҳуқуқини мажбурий маънода муқаддаслигини ифодалайди.

(Давоми бор)

